

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Рўйхатга олинди:
№ МД-5А120201-2.05
2016 йил “9” 01

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “22” 01

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АДАБИЁТЛАР
ТАРЖИМАСИ ВА ТАҲЛИЛИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000	– Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120 000	– Гуманитар фанлар
Мутахассислик:	5А 120201	– Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (роман-герман тиллари)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Қамбаров Н.М. – “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти”
кафедраси доценти, ф.ф.н.
- Тешабаева З.Қ. – “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти”
кафедраси катта ўқитувчиси

Такризчилар:

- Ибрагимходжаев И. – Тошкент давлат иқтисодиёт университети, инглиз тили
кафедраси доценти, ф.ф.н.
- Ирискулов М.Т. – ЎзДЖТУ қошидаги Республика тил ўқитиш маркази
раҳбари, доцент, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

Ушбу дастур “Чет тили эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги ҳужжатда келтирилган низом ва талабларга ҳамда Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (роман-герман тиллар) магистратура мутахассислиги учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган малака талабларига асосланади. Ушбу дастур доирасида магистрантларнинг чет тилида коммуникатив компетенциялари (лингвистик, ижтимоий-лингвистик, дискурсив, ижтимоий, ўқув-когнитив) ривожлантирилади. Дастурда тақдим этилган назарияга оид билимлар эгалланадиган малака ва кўникмаларни амалиётга татбиқ этишда асос бўлиб хизмат қилади ва касбий компетенцияни илмий-техникавий таржима соҳасида ривожлантиради.

Курс давомида илмий-назарий таржима асослари ва турлари, термин тушунчаси, терминлар таснифи ва уларни таржима қилиш масалалари ва усуллари, матн хусусияти, таржима жараёнининг асосий қийнчиликларини аниқлай олиш ва уларни бартараф этиш воситалари, неологизмлар, интернационал сўзлар ва таржимадаги “сохта дўстлар” масалалари, таржима жараёнидаги лексик, грамматик ва стилистик қийнчиликлар кўриб чиқилади. Мазкур фан талабаларга она тили ва чет тиллардан илмий-назарий матнларни оғзаки ва ёзма равишда таржима қила олиш, мавжуд таржималар сифатини аниқлаш, малака ва кўникмаларни, илмий-назарий матнлар таржимасининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида чуқур маълумот беради.

Илмий-назарий адабиётлар таржимаси ва таҳлили илмий услубдаги материалларни ёзма таржима қилиш кўникмаларни ривожлантиришни назарда тутди. Курс якунида талаба таржима қилинган матнни таҳлил қилиш, таржиманинг умумий йўналишини танлаш, таржима талқинини амалга ошириш, таржима матнини таҳрир қилиш, терминларни тўғри танлаш малакаларига эга бўлади. Чет, ўзбек ва рус тилларининг тузилиши ва илмий-

назарий матнларда қўлланиладиган тил воситаларини янада чуқурроқ ўрганишга тўртки бўлади.

Илмий-назарий адабиётлар таржимаси бўйича амалий машғулотларда бевосита ёзма таржима қилиш кўникмаларини янада ривожлантириш, матнни англаш билан бирга сўз ва терминлар маъносини таҳлил қила олиш, асосий маъно компонентларини теран билиш, матнни бутунлай ёки қисмлар бўйича таржима қила олиши талаб этилади.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фаннинг мақсади - илмий назарий адабиётлар таржимаси назарияси ва амалиётига оид фундаментал маълумотларни бериш, жаҳон олимларининг ушбу соҳасга оид илмий изланишлари билан таништириш.

Фаннинг вазифаси – илмий услуб хусусиятларини, илмий термин тушунчаси ва терминлар тизими, терминлар маъно жиҳатидан таснифи, терминларни турларини ҳақида билим бериш, таржимада термин ва контекст боғлиқлиги, шу билан бирга илмий-назарий матнлар таржимасида умумий ва жузъий муаммоларни фарқлаш ва таҳлил қилиш, таржима қилинган илмий-назарий матнларни таҳрир қилиш, илмий-назарий матнларни таржимасида кўп учрайдиган лексик, грамматик ва услубий хатоларни бартараф қилиш йўллари ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Илмий-назарий адабиётлар таржимаси ва таҳлили” фанини ўзлаштириш жараёнида магистрант:

- илмий-назарий матнлар таржима назариясига оид фундаментал билимлар асосларини;
- илмий услубнинг хусусиятларини;
- илмий-назарий матн турларини фарқлашни;
- таржима қилиш усулларни илмий-назарий матнлар таржимасида қўлашни билиши лозим.

Шунингдек,

- турли илмий-назарий матнларда лисоний, структурал-мазмуний хусусиятлар ва таржима қийинчиликларни англаш;
- турли илмий-назарий матнларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишда амалий тажрибага эга бўлиш;
- илмий-назарий матнларни таржима қилиш соҳасида олинган билим, малака ва кўникмаларни ўқув ва касбий фаолият жараёнида қўллаш;
- ўзбек ва чет тилдаги илмий услубни фарқлаш, таҳлил қилиш ва натижаларни таржима жараёнида қўллаш;
- термин тушунчаси, терминлар таснифи ва уларни таржима қилиш масала ва усуллари ўрганиш;
- илмий-назарий матнларни таржима қилишда “таржимоннинг сохта дўст” сўзларини аниқлаш;
- илмий-назарий матнларда учрайдиган неологизмларни тузилиши, ҳосил бўлиши ва таржима қилишни билиш;
- турли матнларни лексика-семантик таҳлил қилишни ўрганиш;
- матндаги грамматик қонуниятларини аниқлай билиш;
- оғзаки ва ёзма илмий таржима услубларини эгаллаш;
- чет тилидан она тилига ва аксинча она тилидан чет тилига илмий-назарий терминларни ишлатиб, эркин таржима қилиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши керак.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Илмий-назарий адабиётлар таржимаси ва таҳлили фани ўқув режасидаги лингвотаржимашунослик, матнлар таржимаси назарияси, оғзаки ва ёзма таржима амалиёти фанлари билан ўзаро боғлиқ. Фан мутахассислик фанлари блокадаги турдош фанлар билан узвий кетма-кетликда ўқитилади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Илмий-назарий адабиётлар таржимаси ва таҳлили курси ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Мазкур фан таржимонлик фаолиятини

амалга оширишда чет тилида коммуникатив компетенция ва касбий компетенцияларга оид малака ва кўникмаларни ривожлантиради. Фан доирасида ўзлаштирилган билимлар нотиклик санъати ва илмий услубнинг барча турларида (мақола, конспект, курс лойиҳалари, эссе, тезис, реферат, аннотация, магистрлик диссертация, илмий хулосалар) катта аҳамият касб этади.

Илмий-назарий матнлар таржимаси соҳасида хориж ва ватанимиз олимлари илмий-амалий тажрибасини танқидий ўрганиш ва умумлаштириш жараёнида барча таржима шакллари ва турларини янада такомиллаштириш ва самарали усулларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Ушбу фан доирасида ўзлаштирилган билимлар Ўзбекистонда илм-фан тараққиёти ва саноат корхоналарининг ривожланиш жараёнларида илмий-назарий матнлар таржима назариясига оид фундаментал билимлар асосларини эгаллаган, таржима методларини билиб, уларни амалиётда қўллай оладиган, тегишли соҳага оид терминология ва терминлар классификациясини билладиган, уларни таржима қилиш масалалари ва усулларини эгаллаган таржимонларга бўлган эҳтиёжни қондиришда қўл келади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Магистрантларнинг илмий-назарий адабиётлар таржимаси ва таҳлили фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланилади: гуруҳли музокаралар, жамоа лойиҳалари, жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш, яқка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш, давра суҳбатлари ўтказиш, дискуссия, кластер, баҳс – мунозара, рефлексив усуллар (таҳлил, қиёслаш, синтез, баҳолаш). Ахборот технологиялари, жумладан, мультимедиа воситалари ёрдамида машғулотлар ташкил этилади, Power Point дастури ёрдамида презентациялар ҳамда компьютерда тестлар ўтказилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фанга кириш

Илмий-назарий адабиётлар турлари. Илмий-техникавий луғатлар. Термин ва терминлар тизими тушунчаси. Илмий-назарий терминларнинг тузилиши. Илмий-назарий адабиётнинг лисоний хусусиятлари (терминлар, фразеологик, грамматик). Илмий-назарий матнларда қисқарма, ўлчов ва вазн бирликлар тизими. Илмий-назарий матнлар таржимасига қўйиладиган талаблар. Терминларнинг морфологик тузилиши. Термин бирликларининг уч турини таснифи. Термин бирликларини аниқловчи компонентларининг хусусиятлари. Термин бирликларини тузилишининг хусусиятлари. Термин ва контекст ўзаро боғлиқлиги. Термин бирликларининг таржима қилиш усуллари. Илмий-назарий матнларда неологизмларни ҳосил бўлиши (аффиксация, конверсия, сўз яшаш, қисқартмалар). Илмий-назарий матнларда неологизмларни таржима қилиш усуллари.

Илмий-назарий адабиётлар таржимаси ва таҳлили фани предмети

Илмий-назарий адабиётлар таржимасига оид асосий тушунчалар, йўналишлар ва янги замонавий услублар ҳақида маълумот. Дунё олимларининг фан ривожига қўшган ҳиссаси ва халқаро алоқалар ўрнатилишда илмий-назарий адабиётлар таржимасининг ўзига хос ўрни. Илмий-назарий матнлар таржимасига қўйиладиган талаблар.

Илмий-назарий адабиётлар

Илмий-техникавий луғатлар. Илмий-назарий адабиёт турлари. Илмий-назарий адабиёт (монография, илмий тўпламлар, мақола, тезис, рецензия ва ҳ.к.), илмий-назарий ўқув адабиёт (китоб, дарслик, ўқув қўланма, маълумотномалар), илмий-назарий оммабоп адабиёт. Лексикографик манбалардан фойдаланиш йўллари. Илмий-назарий матнлар таржимасида тематик, махсус ва лингвистик луғатлардаги маълумотлардан фойдаланиш

йўллари. Бир ва кўп тилли луғатлар ҳамда илмий-техникавий ва энциклопедик луғатлардан фойдаланиш.

Илмий-назарий адабиётларнинг (ИНА) лисоний хусусиятлари

Илмий-назарий адабиётларнинг қуйидаги хусусиятлари тушунтирилади: а) терминлар хусусиятлари; б) фразеологик хусусиятлари; в) грамматик хусусиятлари. Ўзбек, рус ва чет тиллардаги матнлар мисолида эгаллаган назарий билимлар асосида таҳлил қилиш ўргатилади.

Илмий-назарий қисқартмалар. ИНА ўлчов бирликлари

Илмий-назарий адабиётларга хос бўлган расмий, стандарт ўзгартириб бўлмас қисқартма сўзлар - акроним ва аббревиатура ўрганилади. Хорижий мамлакатларда ўлчов бирликлари ва ҳалқаро СИ тизимидан фарқланиши ва таржима муаммолари.

Илмий термин тушунчаси

Илмий-назарий терминлар тушунчаси ва тузилиши. Терминларнинг морфологик, фразеологик, лексик хусусиятлар. Терминлар маъноси ва таржимаси. Терминлар классификацияси ва уларни таржима қилиш масалалари ва усуллари, илмий- техникавий матн хусусияти, термин ва контекст ўзаро боғлиқлиги, таржима жараёнининг асосий қийнчиликларини аниқлай олиш ва уларни бартараф этиш воситалари. Термин турлари: содда, мураккаб ва термин бирикмалари.

Термин бирикмалари

Термин бирикмаларининг уч тури. Термин бирикмалари тузилиши, аниқловчи компонент жиҳатидан таснифланиши (маълум бир жиҳознинг тузилиши, шакли, фаолияти, ишлаши, ҳолати, моҳияти ва ҳ.). Термин бирикмалари асосий қийнчиликларини аниқлай олиш ва уларни бартараф этиш воситалари.

Термин ва терминлар тизими

Маълум бир соҳага тегишли бўлган терминларни терминлар тизимига бирлашиши. Бир хил хусусиятларига кўра гуруҳланиши. Турли соҳаларда ишлатиладиган умумий техник ва бир фан ёки техника доирасида қўлланиладиган махсус техник терминлар.

Илмий-назарий терминлар таржимаси

Умумий таржима назариясида қўлланиладиган таржима усулларининг илмий-назарий терминлар ва термин бирикмалари таржимасида ишлатилиши. Таржима қилиш тартиби.

Неологизм терминлар. ИНА неологизмларнинг пайдо бўлиши

ИНА неологизмлар тушунчаси, этимологияси, ясалиши (аффиксация, конверсия; сўз яшаш, қисқартма) тушунтирилади. Неологизмларни таржима қилиш муаммолари. Интернационал сўзлар ва таржимадаги “сохта дўстлар” масалалари.

Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

- ◆ Илмий-назарий терминларнинг тузилиши.
- ◆ Илмий -назарий матнлар
- ◆ Илмий- назарий адабиётлар
- ◆ Илмий- назарий адабиётларнинг (ИНА) лисоний хусусиятлари
- ◆ Илмий- назарий қисқартмалар
- ◆ Илмий- назарий терминлар ўлчов birlikлари
- ◆ Илмий термин тушунчаси
- ◆ Термин бирикмалари
- ◆ Термин ва терминлар тизими
- ◆ Илмий қилип сўзлар (клише) таржимаси
- ◆ Неологизм терминлар
- ◆ Илмий-назарий терминлар неологизмларининг пайдо бўлиши

Семинар машғулотларида турли илмий луғатлар, энциклопедия ва бошқа маълумотлар ва ахборотлар мажмуига таянган ҳолда илмий-назарий таржима амалга оширилиши лозим. Талабаларнинг илмий-назарий матнлар таржимаси жараёнида грамматик трансформация: сўз таркибининг ўзгариши, сўз туркумлари ва гап бўлақларини алмаштиришга сабаб бўладиган омиллар ҳақида тақдимот тайёрлашларига алоҳида аҳамият қаратилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш буйича кўрсатмалар

Фан буйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш буйича услубий кўрсатмалар
Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Илмий-назарий таржиманинг грамматик, лексик, фразеологик, стилистик қийинчиликлари бўйича маълумот тўплаш, чет тили, она тили ва рус тилини қиёслаш ҳамда унинг натижаларини таржимада қўллаш, икки, уч ва кўп тилли илмий -техникавий луғатлар билан ишлаш, илмий- техникавий таржиманинг ютуқ ва камчиликларни аниқлаш, илмий- техникавий матнларни ёзма таржима қилиш ва тақдим қилиш, илмий- техникавий таржимоннинг “сохта дўстлар” рўйхатини тузиш, турли техникавий глоссарийлар тузиш фан бўйича мустақил таълим мазмунини ташкил этади.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

- Машинасозлик ва муҳандислик соҳаларига оид илмий матнлар таржимаси
- Тиббиёт соҳасига оид илмий матнлар таржимаси
- Кимё ва фармакология соҳаларига оид илмий матнлар таржимаси
- Интернационал сўзлар ва таржимада “сохта дўст” масалалари.
- Илмий матнларда неологизмлар таржимаси

Дастурнинг информатсион-услубий таъминоти

Фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот коммуникатив технологияларидан фойдаланиш назарда тутилган.
Булар:

- замонавий аудио-видео воситалари ва компьютер технологиялари ёрдамида маърузаларни ўқиш;
- мазкур фаннинг курси юзасидан машғулотларда компьютер технологиялари ёрдамида тақдимотлар ўтказиш;
- амалий машғулотларда ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, диалог, полилог, коммуникатив мулоқот каби интерфаол усуллардан фойдаланиш;
- кичик гуруҳ мусобақалари, интернет янгиликлари ва шу каби илғор педагогик технологиялар қўлланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати¹

Асосий адабиётлар:

1. Борисова Л.И. Лексические особенности англо-русского научно-технического перевода. - Учебное пособие. - М.: МПУ, 2001.

Қўшимча адабиётлар:

1. Борисова Л.И. Перевод неологизмов с английского языка на русский в научно-технических текстах. / Л.И. Борисова. - М.: ВЦП, 2007.

Интернет сайтлари:

1. <http://linguists.narod.ru/downloads.html>
2. <http://www.durov.com/study/1126965784-307.html>
3. <http://youreng.narod.ru/teoper.html>
4. <http://tpot.ru/index.html>
5. <http://www.langinfo.ru>
6. <http://www.lingvoda.ru/forum/actualthread.aspx?bid=2&tid=244>
7. <http://www.twirpx.com/rss/category/4175/>
8. <http://www.twirpx.com/file/311224/>
9. <http://www.twirpx.com/file/847903/>
10. <http://www.uz-translations.net>
http://www.booksbooksbooks.ru/index.php?option=com_content&view=category&id=1&Itemid=3
11. <http://www.peterlang.com/index.cfm?event=cmp.ccc.seitenstruktur.detailseiten&seitentyp=produkt&pk=41195&concordeid=57574>

¹ Адабиётлар рўйхатиغا ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятлари, соҳага оид замонавий манбалар ва хар бир тил хусусиятлари инобатга олинган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин.

